


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT  
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI  
USTAVI**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**У С Т А В И**

Тошкент -2016



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2016 йил  
1<sup>1</sup> майдаги 209 - сон  
қарори билан тасдиқланган

# ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI USTAVI

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

### У С Т А В И

Тошкент - 2016

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили  
ва адабиёти университети  
Устави**

**I. Умумий қоидалар**

1. Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармониغا биноан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари ҳамда Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти негизида ташкил этилган.

2. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг кундузги ва масофавий шаклда асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик, илмий-методик ҳамда бошқа таълим фаолиятини амалга оширади ва хизматлар кўрсатади.

3. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

4. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга, рамзга, байроғига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг фаолияти учун зарур бўлган бошқа хизмат белгилари ва реквизитларга эга.

5. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлиқ номи: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ташкентский государственный университет узбекского языка

и литературы имени Алишера Навоий, Tashkent State University of the Uzbek language and Literature named after Alisher Navoi.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг қисқартирилган расмий номи ўзбек тилида ТДЎТАУ, рус тилида ТГУУЯиЛ, инглиз тилида TSUULL.

6. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (кейинги ўринларда – “Университет” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

### **7. Университетнинг жойлашган жойи:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ўқитувчи кўчаси, 103 уй.

## **II. Университетнинг асосий мақсади ва вазифалари**

8. Университет ўзбек тили ва адабиёти бўйича филолог мутахассислар, илмий-педагог кадрлар, юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айти шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

9. Университетнинг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш;

илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш;

талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш;

ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш;

ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, унинг товушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш, турли

мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш;

умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш;

она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш.

шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий - ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, ҳалқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, ҳалқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

иктисодиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий - педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш;

ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини шакллантириш, уларни мустабид тузум йилларида катағон қилинган фидоий ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш;

таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча турдош университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч, етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, янги илмий мактабларни шакллантириш;

ривожланган мамлакатларнинг университетлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш.

### **Ш. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **а)Талабалар:**

10. Университет ректорининг буйруғи билан ўрнатилган тартибда ўқишга қабул қилинган шахс университетнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

Университетга қабул қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта (11 синф), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотиغا эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорига мувофиқ тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Университетга қабул барча учун (ҳам грант, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш амалга оширилади.

#### **10. Университетнинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда университет, факультет ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

университет ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларининг барча турларида, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш, ўз илмий ишларини нашрга, шу жумладан, Университет нашрларига ҳам тақдим этиш;

университетда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

университетнинг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда, шу жумладан, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртини бошқариш органлари орқали қатнашиш;

танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича ўтиладиган фанлардан

ташқари, Университетда ўқитиладиган бошқа фанларни ўз хоҳишига кўра шартнома асосида ўзлаштириш;

университет раҳбариятининг буйруқ ва фармойишлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа тегишли идораларга мурожаат этиш.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган йўналиши бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ҳам ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

11. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек университетнинг стипендияси ҳамда юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 4 сентябрда 2138-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги Низомнинг 1-бандига асосан университет талабаларига ҳарбий хизматни ўташ учун, саломатлигини тиклаш учун, ҳомиладорлик ва туғиш учун, болаларни парвариш қилиш учун академик таътил берилиши мумкин.

Талабаларга ўқиш давомида икки марта академик таътил берилиши мумкин.

Биринчи курс талабаларига академик таътил, истисно тариқасида, фақат уларнинг касаллиги туфайли берилиши мумкин.

Талабага академик таътил берилиши уни таълим муассасасидан четлаштириш деб ҳисобланмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги ўқув шаклида) таълим олаётган талабаларга университетда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

14. Турар жойга мухтож талабалар (биринчи навбатда чин етим, ота ёки онасини (боқувчисини) йўқотган, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган ва моддий томонидан қийналаётган талабалар) университетнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар Университет томонидан белгиланади ва талабалар билан тегишли шартномалар тузилади. Турар жойга мухтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, университетнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (қундузги ўқув шаклида) ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида университетнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда меҳнат қонунчилигига

мувофиқ ишлашга рухсат этилади.

15. Университетнинг талабалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибига мувофиқ ўзи таҳсил олган университетга қайта тикланиш ёки бошқа олий таълим муассасаларига ўқишини кўчириш (қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни Университетга ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

**16. Университетнинг талабалари қуйидаги мажбуриятларни бажариши лозим:**

Таълим жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига, жамиятнинг ахлоқий принципларига, маънавий қадриятларга, университетнинг Устави, Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига қатъий риоя қилиш;

университетнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллаш;

ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз қолдирмаслик, дарсга кеч қолиб келмаслик;

таълим жараёнидаги вазифаларни ва топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда ва сифатли бажариш;

ўз курсдошлари, талабалар, педагогик ва бошқа ходимлар билан ҳушмуомалада бўлиш;

кийиниш маданиятига риоя қилиш, диний ибодат кийимларида юрмаслик. Ташқи кўриниши ва ёмон ҳулқ-атвори билан бошқалардан ажралиб турмаслик, ахлоқ-одоб нормаларига сўзсиз бўйсунуш.

**Университет ҳудудида қуйидагилар таъқиқланади:**

диний мазмундаги ёзма ёки электрон воситалардаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш;

миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай шаклдаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш, тарғиб қилиш;

терроризмнинг ҳар қандай кўринишига эга ножўя ҳаракатларни ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш;

университет бинолари ва ҳудудидаги моддий-техник ва бошқа мулкига зарар етказиш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

17. Ушбу университетнинг Устави, Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазолар қўлланилади: **ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлаштириш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган “ Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш



тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандига мувофиқ талаба қуйидаги ҳолларда талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ё) ўқиш учун белгиланган тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) вафот этганлиги сабабли.

Университет маъмурияти ташаббуси билан (“д”, “е”) талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инobatга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур қоидаларнинг 14- банди “д” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, Университетнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Талабага қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан у норозилик билдириши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабаларни касаллик вақтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган вақтларида талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллиги туфайли дарсларга қатнашмаган талаба (ёки унинг ота-онаси) бир ҳафта муддатдан кечиктирмасдан факультет раҳбариятига бу ҳақда хабар беради ва талаба ўқишга келган куни тиббий маълумотномани тақдим этади.

18. Талабалар томонидан университет ҳудуди ва хоналарида мобиль телефонлардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланишни тартибга келтириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2011 йил 20 май 214-сон буйруғига мувофиқ амал қилиши лозим.

#### **б) Тингловчилар:**

19. Университет қошидаги Ўзбек тили ва адабиёти мутахассисларини

кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича Университетда ишдан ажралган ҳолда таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

**в) катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар:**

20. Катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талаблари тўғрисида”ги Низомга биноан олий ўқув юртидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури ҳисобланади.

**катта илмий ходимлар-изланувчилар институти** - ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**мустақил изланувчилик** - ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**катта илмий ходим-изланувчи** - олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига катта илмий ходим-изланувчи лавозимига белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

**мустақил изланувчи** - олий таълим муассасасига ёки илмий-тадқиқот муассасасига мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган.”Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги Низом талабларига кўра университет Кенгаши томонидан тасдиқланган мавзу бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар ҳисобланади.

Университет магистратураси дипломига ёки унга тенг бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати олий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки

магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлган; **камида икки йиллик** илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлган; илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлган; олий таълим муассасасининг катта илмий ходим-изланувчилар институтига белгиланган тартибда қабул қилинган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишини олиб бораётган шахс – **катта илмий ходим-изланувчи ҳисобланади.**

Университет (кафедрага) бириктирилган, бакалавр ёки магистр дипломига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ёки Миллий хавфсизлик хизмати олий ҳарбий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлган; **камида беш йиллик амалий** иш стажига эга бўлган; илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс – **мустақил изланувчи ҳисобланади.**

21. Университет катта илмий ходим-изланувчилар институтига докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммоларни ҳал қилишга қобилиятли, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ёки олий маълумотли мутахассис дипломига ёхуд магистр даражасига эга бўлган, илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлган шахслар уч йиллик муддатга қабул қилинадилар.

Катта илмий ходим-изланувчилар институтида ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади. Катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўқиши уч йилдан ошмаслиги керак. Ўқиш муддати улар ишининг умумий стажига қўшилади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш катта илмий ходим-изланувчиликдан ташқари, мустақил изланувчилик шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мустақил изланувчиликка бакалавр ёки магистр даражасига, ёки фан номзоди илмий даражасига, ёки олий ҳарбий маълумотга, ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий таълим тўғрисидаги дипломга, илмий изланишларга лаёқати бўлган ва муайян илмий ютуқларга эга бўлган (ихтиро учун патентлар, эълон қилинган илмий материалларга эга бўлган, илмий-технологик ишланмаларда иштирок этган ва ҳоказо), белгиланган талабларга мувофиқ бўлган шахслар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда уч йилга расмийлаштириладилар.

**г) Университетнинг педагог ходимлар таркиби, Ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари**

22. Университетда педагог ходимлар, илмий ходимлар, муҳандислик-техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Педагог ходимлар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

23. Педагог ходимлар лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул

қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

#### **24. Университетнинг педагог ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

белгиланган тартибда университет ва факультет Илмий Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

университетнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

университет ахборот-ресурс маркази, Ўқув ва илмий бўлимларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, Ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташқилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш берувчи билан келишилган ҳолда);

хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва Ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва Ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

#### **25. Университет педагог ходимлар ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва технология интизоми, мазкур Устав, Ички меҳнат тартиби қоидаларига, Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқат қиладиган университет ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида Ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

ўқув юкламалари ҳажмини, Ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

ўқув абадиётлар тайёрлаш, илмий мақолалар ёзиш;

тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

илмий кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;  
университетнинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;  
иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;  
университетнинг жамоатчилик ишларида қатнашиш;  
педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;  
замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;  
чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини **мунтазам** ошириб бориш;  
таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;  
ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;  
ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнатилган бўлиш;  
кийиниш маданиятига риоя қилиш;  
республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;  
дарсларни юқори савияда ўтиш;  
фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;  
ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календар режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;  
рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;  
талабалар билимини холисона баҳолаш;  
янги педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнида қўллаш;  
илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;  
талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;  
олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш;

26. Университетнинг педагог ходимлари таркиби уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш қафолатини таъминлайди.

27. Университетда педагог ходимлар ва бошқа ходимларнинг чет эл хизмат сафарлари Вазирликнинг 13.04.2005 й. № 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби” тўғрисидаги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

28. Университетнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдмачи ва бошқа ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ички меҳнат тартиб қоидалари ва лавозим Йўриқномалари билан белгиланади.

#### **IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий иш**

29. Университет Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган квота ва таълим йўналиши ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

30. Университет таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

**Бакалаврият** - таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалаврият дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига асосан таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

**Магистратура** - йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига асосан тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофик; таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

31. Университетда таълим жараёнини ташкил этиш, ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, олий таълим муассасаси ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Университет томонидан таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларини танлаш йўли билан талабаларга олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Университетнинг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

32. Университетда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, яқка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалавр битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 40 дақиқалик танаффуссиз қўшма дарс соати белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тил - ўзбек тили ҳисобланади, шу билан бирга белгиланган тартибда таълим инглиз тилида ҳам олиб борилиши мумкин.

33. Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган Давлат таълим стандарти қўлланилади.

34. Университетда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назоратлари натижалари асосида яқунланади.

Ўзлаштириш натижаларига кўра талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи асосида амалга оширилади.

Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

35. Университетда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

### **36. Олий ўқув юртидан кейинги таълим:**

Университетда олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати”га мувофиқ тегишли вазирлик (идора) рухсати асосида катта илмий ходим-изланувчилик ва мустақил-изланувчилик орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун олий таълим муассасасига изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

Университетда Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар ўрнатилган тартибда ташкил этилади ва фаолият юритади.

37. Университет илмий тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, катта илмий ходим-изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

## **V. Университетнинг тузилмаси (таркиби)**

**42.** Университетнинг ташкилий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги 152-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

### **а) Факультетлар:**

1. Ўзбек филологияси
2. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш
3. Ўзбек-инглиз таржима

Факультет Университетнинг ўқув-илмий ва маъмурий тармоғи ҳисобланиб, тегишли таълим йуналишлари ва мутахассисликлар бўйича талаба ва катта илмий ходим-тадқиқотчиларни тайёрлаш ҳамда тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари, мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва бошқа факультетга оид таълим ишларини амалга оширади.

Факультет ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси факультети” тўғрисидаги намунавий Низом асосида ишлаб чиқилган ва университет ректори томонидан тасдиқланган кафедра Низомига асосан амалга оширади.

### **б) Кафедралар :**

*Ўзбек филологияси факультети бўйича:*

1. Ўзбек тилшунослиги кафедраси
2. Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик кафедраси
3. Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедраси
4. Фольклоршунослик ва диалектология кафедраси

*Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультети бўйича:*

1. Ўзбек тилини ўқитиш методикаси кафедраси
2. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси
3. Педагогика ва психология кафедраси
4. Тилшуносликда ахборот ва замонавий педагогика технологиялари кафедраси

*Ўзбек-инглиз таржима факультети бўйича:*

1. Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси
2. Инглиз тили филологияси кафедраси
3. Жаҳон адабиёти кафедраси

*Факультетлараро умумтаълим кафедралари*

1. Хорижий тиллар кафедраси
2. Математика ва ахборот-коммуникация технологиялари кафедраси



3. Жисмоний тарбия кафедраси
4. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси

Кафедра факультетлар тузилишидаги бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий ишларни олиб боровчи, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи асосий тузилма ҳисобланади.

Кафедралар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Олий таълим муассасаси кафедраси тўғрисидаги намунавий Низом асосида ишлаб чиқилган ва университет ректори томонидан тасдиқланган кафедра Низомига мувофиқ амалга оширади.

**г) Университетнинг ташкилий тузилмаси қуйидагича:**

1. Ректор, Университет Кенгаши
2. Ўқув ишлари бўйича проректор
3. Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор
4. Илмий ишлар бўйича проректор-Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти директори
5. Молия-иқтисодиёт ишлари бўйича проректор
6. Ўқув-методик бўлим
7. Магистратура бўлими
8. Ахборот-ресурс маркази
9. Ахборот технологиялари маркази
10. Маънавий-маърифий ишлар ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими
11. Галабалар турар жойи
12. Илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими
13. Таҳририят-нашриёт бўлими
14. Босмахона
15. Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти
16. Молия-иқтисодиёт бўлими
17. Бухгалтерия
18. Фойдаланиш-техник ва хўжалик бўлими
19. Ўқитишнинг техник воситалари бўлими
20. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими
21. Ўзбек тили ва адабиёти музейи
22. Халқаро алоқалар бўлими
23. Мониторинг ва ички назорат бўлими
24. Маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлими
25. Кадрлар бўлими
26. Канцелярия ва архив
27. Биринчи ва иккинчи бўлимлар
28. Юрисконсулт
29. Ўзбек тили ва адабиёти мутахассисларини қайта тайёрлаш ва

уларнинг малакасини ошириш маркази

### 30. Факультетлар

## **VI. Олий таълим муассасасини бошқариш**

43. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг Кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

44. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Ф-137-сонли фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинладиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор Университет фаолиятига, шунингдек, Университетнинг Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Жамоат шартномаси, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси номидан иш олиб боради барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тўзади, ишончномалар беради, банк муассасаларида Университетнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

### **Ректор университетнинг ваколати доирасида:**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, зарурият бўлганда, университетнинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;

Университетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерлар билан меҳнат шартномасини тузади ва бекор қилади;

Университет проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

Университетнинг педагог, илмий ва бошқа ходимлар билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузади ва бекор қилади.

Университет проректорларининг лавозим маошларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ҳамда бошқа ходимларнинг лавозим маошларига ректор буйруғи асосида устама ҳақ белгилайди ва моддий рағбатлантиради;

Университетнинг ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмиталари билан келишган ҳолда Ички меҳнат тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

амалдаги қонунчиликка зид равишда қабул қилинган университетнинг буйруқлари ва фармойишларини бекор қилади;

университетда намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган ходимларнинг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида университетнинг-штатлар бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

“Олий таълим муассасасининг кафедраси” тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда университет Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш (ташқил этиш) ёки ёпиш (тугатиш) қарорларини тасдиқлайди.

Университет ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга руҳсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

45. Олий таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун университетнинг ва факультетлар Кенгашлари фаолият юритади.

Кенгашининг раиси университетнинг ректори ҳисобланади. Кенгашининг фаолиятини ташқил этиш, унинг таркибини шакллантириш белгиланган тартибда тасдиқланган Кенгаш Низоми асосида ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

46. Университетда жамоатчилик органи сифатида Васийлар кенгаши ташқил этилади. Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

47. Университетда Касаба уюшмаси кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатиши мумкин. Ушбу жамоатчилик ташкилотлар ҳамда университет ўртасидаги муносабатлар, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

48. Университет Уставида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўрнатилган тартибда илмий ва ижодий гуруҳлар (жамиятлар), илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташқил этилиши мумкин.

49. Университетнинг таълим фаолиятини йўналишлар бўйича бошқариш ўқув ишлари, маънавий-маърифий, илмий ишлар, молия ва иқтисод ишлари бўйича проректорлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган тайинланади.

50. Университет факультети фаолиятини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ректорнинг буйруғи билан тайинладиган декан бошқаради.

## **VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник база**

51. Университетга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкӣ мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилади. Университет фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

Университетга ажратилган ер участкалари университетга муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

52. Университетга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкӣ объектларга, университет фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий махсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинладиган мулкӣ объектларга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган.

53. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар университет фаолиятини янада ривожлантириш учун фойдаланилади.

54. Университетни жорий сақлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилладиган маблағлар, шунингдек тўлов – контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, қонун ҳужжатларида таъқиқиланмаган бошқа манбалар, жумладан тадбиркорлик фаолиятдан белгиланган тартибда олинган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

55. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ университет Уставада белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли. Университетнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Университет шуғулланиладиган тадбиркорлик фаолияти унинг Уставада белгиланган вазифаларга мос келиши керак. Университетда пулли таълим хизматларини кўрсатиш,

шунингдек илмий-тадқиқот изланишларни амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган тузилмалар ташкил қилиниши мумкин.

Университет ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консултациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Университетнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

55. Университетда лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш” тўғрисида Низом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади, Университет ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади: кўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлангириш тадбирларининг ҳажмини университет мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Университетда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналар ажратилади ва уларнинг тозалигини таъминлаш ташкил этилади.

56. Университет қошидаги тиббий-санитар муассасасига, шунингдек унинг ҳудудида жойлашган ёки университетнинг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан жиҳозланган хоналар ажратилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 06 ноябрдаги № 297-сон қарори билан тасдиқланган “Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги Низомга асосан овқатланиш ошхона, буфет, кафетерий, кафе (ёзги кафе), чойхона ва кичик ошхоналарда белгиланган санитария –гигиена талабларига кўра ва шарт-шароитлар яратилган ҳолда Университет томонидан ташкил этилиб амалга оширилади. Шунингдек, университет томонидан овқатланишни ташкил этмаган ҳолда, университетга қаршли умумий овқатланиш жойлари ТДЎТАИ Кенгаши қарори асосида қонунчиликда ва мазкур Низомда белгиланган тартибда ижарага берилиши мумкин.

Университетнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **VIII. Халқаро ҳамкорлик**

57. Университет Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасига биноан таълим муаммолари юзасидан ўрнатилган тартибда халқаро ҳамкорликда иштирок этиши, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

58. Университет ходимларининг чет элга хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 13 апрель 81-сон буйруғи билан тасдиқланган тартибга мувофиқ Вазирликнинг рухсати билан амалга оширилади.

## **IX. Яқуний қоидалар**

59. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;

таълим жараёни вақтида университетда таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;

таълим олувчилар ва университет ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қуйилганлиги учун.

61. Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

62. Университет Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи асосида амалга оширилади.

**Университет ректори**

**Ш.Сирожиддинов**

Университетнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **VIII. Халқаро ҳамкорлик**

57. Университет Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунинг 33-моддасига биноан таълим муаммолари юзасидан ўрнатилган тартибда халқаро ҳамкорликда иштирок этиши, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

58. Университет ходимларининг чет элга хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 13 апрель 81-сон буйруғи билан тасдиқланган тартибга мувофиқ Вазирликнинг рухсати билан амалга оширилади.

### **IX. Яқуний қоидалар**

59. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;


таълим жараёни вақтида университетда таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;

таълим олувчилар ва университет ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлиги учун.

61. Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

62. Университет Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи асосида амалга оширилади.

  
Ректор *М. Суринишдиев*  
22

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили  
ва адабиёти университети

Устави муҳрланди, тикилди,  
Ва баёнлар сони 22 та



*Handwritten signature*

*Handwritten signature and text at the bottom right of the page.*